

таъминлаш, ўза қатор ораларига биринчи ишлов
беришни ўз вақтида ўтказиш юзасидан иш таж-
рибаларини кенг ёритиш топишриди.
(Тавсиялар газетанинг 3-бетига эълон қилин-
моқда).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ РСДРП II СЪЕЗДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЛЕНИН-ЯНГИНДАГИ
НАРТИЯ АСОСЧИ

ИНСОНИАТ ТАРИХИДАГИ
БУЮК ВОҚЕА

ТАРИХДА шундай воқеалар бўладики, улар инсоният ҳаётида туб бурилишлар асди. Бундан 80 йил муқаддам — 1903 йил 30 июлда очилган РСДРПнинг II съезди инсоният тарихидаги ана шундай буюк воқеалардан биридир. Съезд жаҳон ишчилар ва бутун революцион-оқолиқ ҳаракатида бурилиш босқичи бўлди. КПСС Марказий Комитетининг «РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллиги тўғрисида»ги қароридан таъкидланганидек, «Съезд Россия революцион марксистик ташкилотларининг Владимир Ильич Ленин ишлаб чиқарган ғоявий, сиёсий ва ташкилий принциплари негизидagi бирлашши жараёнини ниҳоятга етказди. Янги типдаги партия — ишчилар синфи партияси, илмий коммунизм партияси, социалистик революция ва коммунистик бунёдкорлик партияси тарих майдонига чиқди».

Ленинчи коммунистлар партияси 80 йил мобайнида кураш ва ғалабаларнинг узоқ ва машаққатли, шонли ва қаҳрамонона йўлини босиб ўтди. У ишчилар синфи, барча меҳнат-қашларнинг ҳечқис шонли қозони, уларни буюк революцион курашга сафарбар этди. Бу кураш Ватанимизда маҳонда биринчи социалистик жамиятни ташкил этишга олиб келди.

Ишчилар синфи партиясининг ташкил этилиши эса 1903 йилнинг ёзи — РСДРП II съезди бўлиб ўтган 17 (30) июль — 10 (23) август кунларидан бошланади. Бу уч ҳафта давомида съездининг 37 мажлиси бўлиб ўтди. Улардан 13 таси Брюсселда, 24 таси Лондонда ўтказилди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти Марказий партия архивида ушбу тарихий қимматга эга бўлган 34-фонд бор. Унда ҳозирги кунгизмизга деярли тўлиқ ҳолда етиб келган РСДРП II съезди материаллари сақланган. Улар орасида съездга тайёргарликка олиб ҳужжатларнинг асл нусхалари: В. И. Ленин томонидан ёзилган партия Программаси ва Устави, лойиҳалари, съезд қўйилган қарорлари, сўзга чиққан нутқларнинг текстлари, уларнинг тақлидлари, сўзга-сўз ёзиб олинган съезд протоколлари ҳамда бу протоколларнинг махсус комиссия томонидан қўриб чиқилган ва босма-хонада теришга тайёргарлик текстлари мавжуддир.

Фонддаги съезд ҳужжатларининг ҳаммаси асл нусхага сақланган. Фақатгина В. И. Ленин қўлёзмаларининг фотокопиялари (уларнинг асл нусхалари Ленин фондида сақланган) қўйилган. Съезд ҳужжатлари сиёҳ ва оддий қаламда, турли ҳамдаги қоғозларда, кўпроқ ўқувчилар дастларининг рақарларида ёзилган. Тақлидлар билан чиққан нутқлар нутқлари текстларида секретарининг белгиларини: «қабул қилинди», «рад этилди» ва бошқа белгиларни учратиш мумкин.

Институти архивида РСДРП II съезди протоколларининг гўят ноёб ҳисобланган биринчи тўла наشري ҳам сақланган. У партия Марказий Комитети томонидан нашрга тайёргарлиги, 1904 йилда Женевада рус тилида яширинча босиб чиқарилган эди.

Бу бебаҳо ҳужжатлар билан танишар экансан, улар ортида нақадар ғўйиқон ғоявий кураш турганлигини ҳис қиласан, киши. Буни В. И. Лениннинг машҳур «Бир қадам олға, иккинчи қадам олға» асарига берилган ҳамда ҳам исботлади. Владимир Ильич ушбу асарда «Партия съездининг протоколлари партиянинг ҳақиқий аҳволининг ягона манзари, яъни аниқлик, тўғрелик, мукаммаллик, муфассаллик ва тўғрелик жиҳатидан мисли қўрилмаган бир манзари, ҳаракатга қатъияшчанлигининг қарашлари, қайғи-қайғи ва планлари тўғрисида уларнинг ўзи чиқиб берган манзари, партия ичидagi сиёсий отенкаларини, бу отенкаларнинг қайси бири кучли, қайси бири кучсиз эканлигини, уларнинг бир-бирига муносабатини ва уларнинг курашини кўрсатадиган манзари тасвирлаб беради», деб ёзган эди.

Бехисоб ҳужжатлар съездга революцион марксизм принциплари, «Искра» томонидан ишлаб чиқилган программ, тактик ва ташкилий принципларнинг ғалабасини таъминлашда В. И. Ленин нақадар катта роль ўйнаганлигини аққол исботлаб турибди. РСДРП II съездида Ленин бошчилиги қилган, Россия социал демократиясининг ҳақиқий революцион ядроси бўлган «қатъий» искрачилар ҳамда партиянинг оппортунистик қаноти вакиллари ҳисобланган, «экономистлар» ва Бунд делегатлари томонидан қўллаб-қувватланган Мартов тарафдорлари ўртасида чуқур принципиал келишмовчиликлар мавжуд эканлиги аён бўлди.

РСДРП II съездининг оламшумул-тарихий аҳамияти шундаки, унда революцион марксизм ташкилотларининг бирлашши жараёни ниҳоятга етди ва Россияда В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган ғоявий-сиёсий ва ташкилий принциплар асосида ишчилар синфи партияси тузилди. КПСС Марказий Комитетининг «РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллиги тўғрисида»ги қароридан қўйилган алоҳида таъкидлари: «Большевистик партия II Интернационал партияларининг принципларига фарқ қилар эди. Бу партиялар революцион иш олиб боришга қодир эмас эдилар. Янги типдаги партияга у тузилган пайтдан бошлаб ҳос бўлган ҳамда ушундан кейинги ривожланиш давомида аниқ шакл олган ҳаракатли белгилар ва ҳусусиятлар шундан иборатки, у:

марксизм-ленинча таълимотга амал қилиди ҳамда уни ижобий тарзда ривожлантириш боради, революцион назария билан революцион практиканинг узвий бирлигини таъминлайди;

ишчилар синфининг коллектив сиёсий йўл-босқичи, унинг ташкилотининг олий формаси, барча меҳнатқашларнинг авангардидир; омма билан чамбарчас алоқа — унинг битмас-туғамас кучи манабидир.

Уз фаолиятининг демократик централизм асосида ташкил этади, ўз сафарларининг ғоявий ва ташкилий бирлигини, онгли интизомни доимо мустаҳкамлайди, партия аъзоларининг активлигини кучайтириб боради;

фракциячилик ва группабозиликнинг ҳар қандай турига, ревизионизм, оппортунизм ва догматизм қўйнишларига мурасасиз муносабатда бўлади;

ўз революцион-ўзгарувчилик фаолияти, ўз сиёсати натижаларини таъкидлий таъдил этади, ҳалқаро коммунистик ҳаракат тўғрисида тажрибани муттасил ўрганади, унга баҳо беради ва ундан фойдаланади;

пролетар интернационализмни принципларини изчил равишда амалга ошириб боради». Съездининг сақланган қолган ҳужжатларида В. И. Лениннинг ишчилар синфининг янги типдаги партияси, большевиклар партиясининг ғоявий, тактик ва ташкилий принциплари учун мурасасиз кураш олиб бораётганига ўз аксини топган. Уларда Ленин съездда 150 мартага яқин сўзга чиққанлиги, тақлидлар киритилганлиги, дуқмалар ташлаганлиги қайд этилган. Бу бебаҳо ҳужжатларнинг кўпчили-

ги Владимир Ильич ижодий лабораторияси ҳусусиятларини очиб беради. Улар орасида съездининг иш ва кун тартиби пухта ишлаб чиқилган «РСДРП навбатдаги съездининг программаси» қўлёзмаси; Владимир Ильич мунтазам олиб борган «РСДРП иккинчи съезди мажлисларининг кундалиги» қўлёзмаси, съездининг тўғрисидаги мажлисида у томонидан партия программаси масаласи бўйича сўзлаган нутқи текстининг қўлёзмаси; программа комиссиясининг иши, Уставнинг биринчи моддаси бўйича музокаралар тўғрисидаги ёзувлар; резолюциялар лойиҳалари, қўйилган бошқа нутқларнинг хомаси вариантлари ва текстлари бор.

Съездда партия Устави лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида ғоявий кураш, айниқса, кескин тус олганлиги яхши маълумдир. 1903 йил 2 (15) августда В. И. Ленин съездининг 22—23 мажлисларида бир неча бор сўзга чиқиб, ўз формулировкасини қатъий ҳимоя қилди. Владимир Ильич ўзининг формулировкаси «Ушунингиз!» деган шир учун мадад бўлишини таъкидлаб ўтди. Ленин ўзининг Мартов, Троцкий ва Аксельродга қарши қаратилган катта нутқида ишчилар синфи партиясини тузишнинг асосий принципларини кўрсатиб берди. У «Лақиллаб юрвчи бир кишининг партия аъзоси бўлиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлганидан кўра, иш қиладиган 10 кишининг... ўзини партия аъзоси деб атамаганлиги яхшироқ» деб ўқитган эди.

Съездда партиянинг миллий масала бўйича программ кўрсатмалари атрафидаги кураш ҳам катта ўрин тутди. Съезд томонидан қабул қилинган РСДРПнинг миллий сиёсати асосини, Ленин принциплари ташкил этди. Унга кўра давлат составига кирадиган барча миллатлар учун ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш ҳуқуқи; қайси миллатга мансублигидан қатъий назар барча граждандарнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги; аҳолининг ўз она тилида таълим олиши ва йиғилишларда она тилида сўзлаш ҳуқуқининг давлат томонидан таъминланиши, шунингдек барча маҳаллий жамоат ва давлат муассасаларида давлат тили билан бир қаторда она тилининг жорий этилиши кўзда тутилган эди.

Оппортунистларга мурасасизлик, марксизмнинг революцион принципларини қатъий ҳимоя қилишга доим тайёр туриш В. И. Лениннинг ишчилар синфи партияси раҳбари сифатидаги аjoyиб ҳусусияти эди. В. И. Ленин унга делегатлардан бири зорлини «Съездимизда аҳвол ҳақида оғирлашиб кетди» деганлигини эслар экан, кейинчалик бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Мен унга бундай жавоб бердим: съездимиз — жуда яхши нарса! Оқинг эркин кураш бормоқда. Фикрлар



«Владимир Ильич Ленин РСДРП II съездда нутқ сўзлаётди». Ю. Виноградовнинг анашу картинасида репродукция. ТАСС фотохроникаси.

илмий анализи ва жонли ташкилотчилик иши бирлигини мурасаслаштирган. Бу унга тўла илмий асосий ҳолда жамиятнинг ривожланишининг бош йўлини, тўғрисидаги йўлни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш учун оммани сафарбар этиш имконини беради.

Ҳаёт КПССнинг бутун фаолияти, унинг сиёсати Совет жамиятини ривожлантириш объектив талабларига мувофиқ келишини, мамлакатимиз барча миллатлари ва элатлари тўла манфаатларини ифода этилиши қайта ва қайта исботламодда. Бугунги Ўзбекистон бунинг ёрқин тисмоллидир.

Совет Ўзбекистонини социалистик қурилиш даврида СССР барча халқлари, энг аввало рус халқининг, улуг Ленин партияси раҳбарлигидаги ишчилар синфининг бегараз қар-

мамлакатимизда коммунистик қурилиш учун қўлай шартини яратиш, социалистик ҳам-дустлик мамлакатлари ўртасидаги қардошлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ишчилар ва миллий оқолиқ ҳаракатига қўмаклашиш, турли социал тузумга эга бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшаш принципини амалга оширишга қаратилгандир.

КПССнинг ленинизм принципларини ҳаётга таъдбиқ қилиш, революцион курашга, социализм ва коммунизм қурилишига раҳбарлик қилиш бўйича тарихий тажрибаси, партиянинг ривожланиш тажрибаси эндиликда бутун жаҳон революцион ҳаракатининг мулки бўлиб қолди. Ана шу ҳаракатни, унинг ғоявий асоси ҳисобланган марксизм-ленинизмни ривожлантиришда бу тажрибани ҳар та-

чи бўлиб ягона фронт тактикасини кенг қўлади. Ленинчи коммунистлар партияси меҳнатқашларнинг турли категориялари ўртасида тушунтириш олиб боришнинг хилма-хил формалари, воситалари, усулларидан моҳирона фойдаланиб, уларни ягона революцион оқимга бирлаштира олди. Бу пролетариатнинг буржуазияга қарши, социализм учун кураши, Россия кўп миллионли деҳқонларининг ер учун кураши, эксплуатация қилинувчи халқларнинг оқолиқ ҳаракати, тинчлик учун умумдемократик ҳаракат сингари оммавий ҳаракатларда ўз ифодасини топди.

Аммо шунинг таъкидлаш керакки, прогрессив кучларнинг жанговар бирлигига ўз-ўзиндан эришиб бўлмайди. Бунинг учун партия ва у раҳбарлик қилаётган оммавий ташкилотлар ҳар томонлама кундалик иш олиб боришлар зарур. Партиянинг тарихий прогрессив кучлар ягона блокни ташкил этиш билан бирга «чал» ва «ўнг» оппортунизмга қарши ҳар қатъий кураш олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Социалистик революция ғалабасидан сўнг партия, ишчилар синфи, меҳнатқаш омма бузилмас бирлигини янада мустаҳкамлаш зарурати тагин ҳам ортади. «Биз, авангардининг ёлғиз ўзи коммунизмга ўтиш ишчи амалга олишга олмамлигини англатмоғимиз керак», — деб кўрсатган эди В. И. Ленин. — «Вазифа — меҳнатқаш омманинг сависси қай даражада бўлишидан қатъий назар бу оммада ташаббус кўрсатишга ва ушунга қаратилган революцион — активлик тугдирлишдан иборатдир».

Партиянинг халқ манфаатларига фидокорона хизмат қилиши унинг атрафида кенг халқ оммалари — ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларни жипслаштириш таъминлади. Социализм ғалаба қозонгач, пролетариатга душман синфлар ва уларнинг социал-иқтисодий илдишлари йўқотилди. Ижтимоий ривожлантириш ҳаракатга келтирувчи янги кучлар: совет жамиятининг ғоявий-сиёсий бирлиги, халқлар дустлиги, совет ватанпарварлиги майдонга чиқди. Улар ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларни янада жипслаштириш, буларни коммунистлар партияси билан бирлаштириш асоси бўлди.

Ривожланган социализмнинг ҳозирги босқичида КПСС ва совет халқининг бирлиги янги поғонага кўтарилиди. Буни етук социализмнинг қўйилган асосий ҳусусиятлари ҳам кўрсатиб турибди:

— ишчилар синфи партияси бўлган Коммунистик партиянинг бутун совет халқи партиясига айланиши;

— КПССнинг ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги раҳбарлик ролини янада орттиши;

— ишчилар синфи етакчиликл ролининг орттиши ва унинг колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлилар билан иттифоқининг мустаҳкамланиши;

— жамият синфий бирлигини кучайиши; — мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар интернационал бирлигининг орттиб бориши, кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқининг ташкил топиши;

— пролетариат диктатураси давлатининг умумхалқ социалистик давлатига айланиши, социалистик демократияни чуқурлаштириш ва ривожлантириш;

— совет кишиларининг сиёсий онглилиги, ғоявий етуқлиги, меҳнатқашлар кенг оммасида марксизм-ленинча илмий дунёқарашни шакллантириш ва ҳоқоазор.

Бизнинг кучимиз 80 йилдан ахалқнинг бузилмас бирлигидадир. Бу социалистик демократияни янада ривожлантириш, барча ғалабаларимиз манабидир. Бу коммунизм тўла тантанга қилишининг қафолатидир.

Партия ва халқнинг бирлиги социалистик жамият ишлаб келаятган барча босқичларда ўзининг мустаҳкамлиги ва ҳаётий кучга эга эканлигини исботлади.

Партия ва халқнинг бирлиги энг аввало партиянинг, унинг барча органлари ва ташкилотларининг, ҳар бир коммунистнинг актив фаолияти билан таъминланади. КПСС Марказий Комитетининг қароридан кўрсатиб ўтилганидек, «Коммунистлар ўзларининг аниқлаш ролини қатъий қилиб, ушунга тўғрива қарай, партиянинг омма билан алоқаси шунчалик мустаҳкам ва самарали бўлади». В. И. Ленин РСДРПнинг II съездида «Партия аъзоси деган номни ва унинг аҳамиятини юқори, юқори ва янада юқори кўтаришга» даъват этган эди. Партия бугунги кунда ҳам ана шу васиятга содиқ бўлиб қолмоқда.

Совет кишилари партия ва халқимиз тарихида шонли сана — РСДРП II съездининг 80 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик қўлар эканлар. Ўзларининг бутун ижодий куч-ғайратларини партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андроповнинг партия Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленумида сўзлаган нутқи, «СССРнинг 60 йиллиги» доқладига, шунингдек «Карл Маркс таълимоти ва СССРда социалистик қурилишнинг баъзи масалалари» мақолаида илгари сурилган вазифаларни бажаришга қаратмоқдалар.

Буюк Ленин партияси совет халқини улуг социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлидан, тинчлик ва социал таракқийет ишнинг тантанаси йўлидан дадил олға бослаб бормоқда.

Ч. АБУТОЛИПОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Ленин партияси босиб ўтган йўл — ҳақиқатан ҳам қаҳрамонона кураш ва ғалабалар йўлидир. Мамлакат тақдиригагина ҳал қилувчи таъсир ўтказиб қолмай, шу билан бирга жаҳон тарихининг боришини тубдан ўзгартириб юборган улўғвор ўзгаришлар Ленин партияси раҳбарлигида амалга оширилди.

(КПСС Марказий Комитетининг «РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллиги тўғрисида»ги қароридан).

айтилди. Оттенкалар аниқланди. Группалар маълум бўлди. Қўллар кўтарилиди. Қарор қабул қилинди. Бир донадан ўтдилди. Энди олға! — иш деган ана шундай бўлади. Бу — интеллигентларга хос, одамни эриктириб қўядиган, битмас-туғамас куруқ мунозара эмас, кишилар масалани ҳал қилганлари учун эмас, балки гапираривор чарчаганлари учунгина тамом бўладиган мунозара эмас...».

В. И. Ленин РСДРП II съездида исқрачилар йўналиши ғалаба қозониши учун милсиз куч-ғайрат сарфлади. Худди ана шу ягона тўғрисида йўл ҳақиқатан ҳам партия II съездида ғалаба қозониб, Россия ва халқаро ишчилар ҳаракати тарихида янги, бурлиш босқичини бошлаб берди. Партия раҳбар органларини сайлаш пайтида кўпчилик овоз олган В. И. Лениннинг исқрачилар тарафдорлари кейинчалик большевиклар деган номни олдилар. Партияимизнинг шонли революцион номи шундай дунёга келди. Большевиклар партияси узоқ йиллик курашлар натижасида ишчилар синфи буюк ишнинг ғалабасини таъминлади.

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ
СИНАЛГАН АВАНГАРДИ

ҲОЗИРГИ КУНДА биз узоқ, айна пайтда ҳаммамизга яқин бўлган уша ўтмишга назар ташлар эканмиз, партияимизга асос солган буюк Ленин ва унинг сафдошлари фаолиятларига қўйиб қоламиз. Улар янги типдаги партия раҳбарлигидаги меҳнатқашлар оммасини унутулмас 1905 йилнинг барнакадларидан 1917 йилнинг февралига, бу февралдан эса Улуг Октябрь ғалабасига етказдилар.

Умумжаҳон тарихининг туб бурилишида нуқудга келган ва ҳаммаси бўлиб бир неча минг кишидан иборат бўлган марксизм революционерларнинг нисбатан кичик ишчирин ташкилотидан Коммунистик партияимиз жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг етакчи партиясигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ҳозирги пайтда партияимиз ўз сафига 18 миллиондан кўпроқ коммунистик бириштириб, совет халқининг жанговар, синалган авангарди бўлиб қолди. У жаҳондаги бирорта сиёсий ташкилот эриша олмаган муваффақиятларга эришди. Мамлакатимизда ривожланган социализмнинг қурилиши Коммунистик партия раҳбарлигидаги совет халқи бунёдкорлик фаолиятининг асосий яқиндир. Эндиликда бу йўлдан, социалистик ва коммунистик бунёдкорлик йўлидан юз миллионлаб кишилар бормоқдалар.

КПССнинг бутун тарихий тажрибаси, шунингдек социализм мамлакатларидаги қардош партияларнинг тажрибаси ҳам партия тўғрисидаги ленинча таълимотнинг тўғрелик ишботлаб турибди. Бу тажриба фақатгина илгор революцион назария билан қуролланган марксизм-ленинча партия ишчилар синфи ва барча меҳнатқашларни социализм ва коммунизм ғалабасига олиб келиши мумкинлигини, ишчилар синфи ва унинг партияси барча меҳнатқашлар тўла манфаатларини ифода этилиши аққол кўрсатмоқда.

Биз, совет кишилари Россия — буюк Ленин асос солган, шакллантирилган ва тоблантирилган сиёсий партия, коммунистлар партияси ташкил этилган мамлакат бўлганлиги билан фарқлашни учун барча асосга эгамиз. Бу партия «Россияни ўтгарди», ун қудратли социалистик давлатга айлантирди. Бугунги кунга келиб Ватанимиз бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда ҳозирги давр ижтимоий таракқийетининг ҳал қилувчи омилга айланди.

Давримиз ақли, шарофи ва виждонини ифода этаятган Коммунистик партия ўзидан назария ва практика бирлигини, воқеликнинг

дошларча ёрдамига таяниб, ўз таракқийетидан бутун бир тарихий даврин босиб ўтди.

Ўзбек халқи сиёсий соҳада — феодализмдан капитализмга четлаб ўтиб ривожланган, етук социализмга, тўла ҳуқуқсизликдан совет миллий давлатига, эркинликка, СССР бошқа халқлари билан тенг ҳуқуқлиққа, дустликка ва қардошлиқка; иқтисодий соҳада — эскича хунарамдчиликка асосланган ишлаб чиқариш ва феода деҳқончиликдан замонавий индустрия ва йирик механизацияланган коллектив ҳўжалигигача; маданият соҳасида — деярли тўла саводсизлик ва қоқоқликдан халқ маорифи, фан, шаклан миллий, мазмунан социалистик, интернационал маданиятнинг гуллаб-яшнашигача бўлган босқичини босиб ўтди.

Ҳозирги Ўзбекистон экономикаси мамлакат ягона халқ ҳўжалик комплексининг узвий бўлигига айланган. Социалистик Ўзбекистон индустриясининг техникавий жиҳатдан жиҳозланиши, шунингдек аҳоли экон бошига санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ижтимоий меҳнат умумдорлигини ошириш, халқ ҳўжалигини юксак малакали мутахассислар билан таъминлаш бўйича СССРдаги бошқа қардош республикалар қатори капиталистик дунёнинг энг таракқий этган давлатлари эришган даражага кўтарилиди. Олий таълим, халқ маорифини ривожлантириш, халқ маънавий бойлигини ошириш бўйича эса бу давлатлардан анча ўзиб ҳам кетди.

Ҳақли равишда фахрланасан бўладиган ютуқларимиз, Ватанимизнинг қудратли ва энгилмас давлатга айланганлиги Коммунистик партия режалари тўғрисида, унинг раҳбарлигида эҳтида эришилди. СССРда ривожланган социалистик жамиятининг қурилганлиги кўп миллатли совет халқи бунёдкорлик меҳнатининг самараси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлик фаолиятининг ҳақиқий татанасидир.

Ленинча коммунистлар партияси изчил пролетар, социалистик интернационализм партиясидир. Бу унинг идеологияси ва сиёсати асосини ташкил этади. Партиянинг РСДРП II съездида қабул қилинган биринчи программасида у ўзини пролетариат умумжаҳон армияси отрядларидан бири деб ҳисоблайди, деб эълон қилган эди. Партиянинг интернационал принциплари атидашнинг ҳам, Уставида ҳам ўз ифодасини топган. Партия Уставида КПСС халқаро коммунистик ҳаракатнинг тарихий қисми эканлиги алоҳида таъкидланган. Партия СССР халқлари дустлигини мустаҳкамлаш, миллатчиликлар қар қандай қуришшларига қарши изчил кураш олиб боришга қаратилган ленинча миллий сиёсати ўтказди.

Мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг ўзи, КПСС раҳбарлигидаги совет кишиларининг бутун бунёдкорлик фаолияти миллий вазифалар муштараклигининг ёрқин тисмолдир. Бу бунёдкорлик фаолияти жаҳон революцион жараёнининг тарихий қисми бўлиб, ушбу жараёни тезлаштиришни таъминламоқда.

КПСС ўз интернационал бурчини бажара бориб, жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилади, социалистик ҳам-дустлик мамлакатларининг иқтисодий интеграцияси комплекс программасини ҳаётга таъдбиқ қилишга қўмаклашади, улар ўртасида қардошларча дустлик ва ўзаро ёрдамни мустаҳкамлаш учун курашади. Буларнинг ҳаммаси социализмнинг халқаро позициясини мустаҳкамлаш, тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги янги хизмат қилмоқда.

Партияимиз марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализм принциплари асосида халқаро коммунистик ҳаракат бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқда.

КПССнинг ташки сиёсати чинакамгина интернационал ҳаракатлардир. Бу синфий социалистик сиёсатдир. У халқлар тинчлиги ва ҳавфсизлигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш,

офлама ҳисобга олмадлиқнинг илони йўқ. Жаҳон революцион жараёнининг муттасил ривожланиб бориши ушбу бахтга таълимотга янги-янги ғалабалар келтирмоқда.

Бутун жаҳон ленинчи коммунистлар партиясининг фаолияти, куч-ғайрати инсон учун, унинг бахт-саодати учун ҳамма нарсани яратишга қаратилганлигини аққол кўриб турибди. Коммунистик партиянинг худди ана шу юксак инсонпарварлик мақсади уни халқ билан қон-қардош қилади.

КУЧИМИЗ — ПАРТИЯ ВА
ХАЛҚ БИРЛИГИДА

ПАРТИЯИМИЗНИНГ тарихий тажрибаси, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг тажрибаси меҳнатқашлар марксизм-ленинча партия раҳбарлигини буржуазияга қарши, янги жамият қуриш учун муваффақиятли кураш олиб бора олмаслигини кўрсатмоқда. Айна пайтда худди шу тажриба партия фақат ўз кучи билан эски, буржуа тузумнинг ағдариб ташлай олмаслиги ва янги жамият қура олмаслигини ҳам кўрсатади.

В. И. Ленин «Халқ оммаси ичиде биз ҳар ҳолда денгиздан томчиғиз, холос, ва биз халқнинг қўнғилидагини тўғрисида қиласанки идора қила биламиз. Бунис коммунистлар партияси пролетариатни етказлаб олиб бора олмайди, пролетариат эса оммани ўзига ергаштира олмайди ва бутун машина вайрон бўлади», деб таъкидлаган эди.

Партиянинг раҳнамо сифатидagi роли ишчилар синфи, барча меҳнатқашлар ишончини нақадар қозонишига қараб белгиланади. Бу вазифани бажариш учун Коммунистик партия оммани раҳбарлик қилиш саъятини эгаллаш зарур. Яъни, Ленин сўзлари билан айтганда партия «...жуда кенг меҳнатқашлар оммаси билан, биринчи навбатда пролетар оммаси билан, лекин шу билан бирга непролетар меҳнатқаш омма билан ҳам боғлана, яқинлаша, атар истасангиз маълум даражада қўшила библиш...» керак. Партия халқ оммасини уларнинг тўла манфаатларини тўғрисида етказлашга ишонтира олиши, уларнинг ҳўрматини қозониши, ўзининг авангардлик ролига, ўз программасига бу оммани ишонтитира библиши лозим. Бундай ишончини турли широрларни эълон қилиш билан эмас, аниқчана конкрет ишлар, халқнинг энг эзгу интиқларини ифода этадиган конкрет сиёсат, кундалик амалий иш билан қозониш мумкин. «Ахир ўзининг «авангарди», илгор отряд деб аташ қийон қилмайди», — деб ёзган эди В. И.

ЧИГИТНИ ТЕКИС УНДИРИБ, КЎЧАТЛАРИНИНГ НОРМАЛ ҚАЛИНЛИКДА БЎЛИШНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

ОБЛАСТ пахтакорлар партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва июль Пленумлари қарорларини амалга ошириб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, бу йил пахтадан эртаки ва мўл ҳосил еттиштириш учун қизгин иш олиб бормоқдалар.

Област колхоз ва совхозлари чигитни қисқа муддатларда—7 иш кунинда юксак агротехник сависсида экни олади.

Ҳозирги кунда ҳамма майдонларда чигитни тез ва кийфос ундириб олиш, ҳар бир картада кўчатнинг текис ва нормал қалинлигида бўлишини таъминлаш, гўза қатор оралиғари биринчи ишлов беришнинг ушшоқлиги билан юксак агротехника талаблари даражасида ўтказиш биринчи галдаги кечиктириб бўлмайдиган вазифа.

Бу муҳим вазифани баъриш учун област пахтакорлар совети об-хаво шароитидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги агротехник тадбирларни амалга оширишни тавсия этади.

ЧИГИТНИ ТЕЗ ВА КИЙФОС УНДИРИБ ОЛИШ

Бу йилги кўчм шароити жуда таъинишли бўлаётди. Тупроқдаги намлик ва сув омборларидаги сув запаслари ўтган йилдагига нисбатан кўра кам. Шу билан бир қаторда апрель ойининг биринчи ўн кунлигида кўнлар исб кетганлиги натижасида тупроқнинг уруғлик чигит тушадиган юқори қатламидagi намлик кескин камийиб кетди. Гидрометеорология хизмати бораётган маълумотларига қараганда бундан буюн ҳам ҳароратнинг кўтарилиши ва ҳавонинг барқарор бўлиши кутлади. Аксари кўп майдонлардаги тупроқ нам уруғлик чигитнинг тўла унб чиқиши ва кийфос ривожланиши учун етарли бўлмайд.

Шу муносабат билан биринчи кун ичиди ҳамма майдонларда чигитнинг қандай унб чиқаётганлигини, тупроқ остидаги уруғликнинг ҳолатини ҳамда 25—30 сантиметр чуқурликдаги намнинг миқдорини текшириб чиқиш зарур бўлади. Ана шу текширувнинг натижасига қараб уруғликнинг унб чиқишини тезлаштириш мақсадида чигит суви берилди.

Уруғлик чигитни иш ура бошлаган, бироқ текис ва кийфос унб чиқиши учун таъиниш намлик еттишмаган картадаги биринчи навбатда сув тараб керак. Бундай картадаги сув билан икуну чун ичиди сув бериш талаб этилади.

Чигит суви берилиши лозим бўлган ҳамма майдонларда бу муҳим тадбир ушшоқлиги билан сифатли ўтказилиб, 8-10 кунда тугаланиши лозим.

ОБЛАСТ пахтакорлар советининг 1983 йилда чигитни тез ва кийфос ундириб олиш, кўчатларнинг нормал қалинлигида бўлишини таъминлаш, қатор оралиғари биринчи ишлов беришнинг ўз вақтида ўтказиш юзасидан

ТАВССИЯЛАРИ

Бунинг учун ҳар бир хўжаликда етарли миқдорда тажрибали сувчилар акратилиб, бир сменада 0,5—0,7 гектар майдонни сугориш норма қилиб белгиланади. Умуман областда жами 25 мингдан кўпроқ сувчи сафарбар этилиб, иш кечакундуз давом эттирилиши керак. Сувчиларнинг юксак унум билан ишлашлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, улар учун уч маҳал иссиқ овқат тайёрлаш, бу йилги шароитни ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш нормаларини қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Эгитларга суви бир текис тараш учун чим ва унинг ўрнини босадиган бошқа материаллар етарли бўлиши керак. Ўқариклар КЗУ—0,3 мосламаси ердамида олиниб, уларнинг оралиғи 60—70 метр бўлади. Бир-икки кун ичиди ҳамма хўжаликларда оқучиларни бўлган култиваторларни осилиб тугаланиши зарур. Чигит 90 сантиметр схемасида экилган бўлса, чигит суви берилдиан эгитлар 22—25 сантиметр, 60 сантиметр схемасида экилган бўлса, 18—20 сантиметр чуқурликда олиниди. Қатор оралиғи 60 сантиметрли майдонларда чигит суви эгит оралиғи, 90 сантиметрли майдонларда ҳамда қилик ерларга ҳар бир эгит бўйлаб таралади. Бунда эгитларда сувининг тез оёқлашига эришилиб, тупроқнинг жаддан тақариб захлаб кетишига, карта четларининг қўлашига йўл қўймаслик керак. Мажмуу сув манбаларидан тўла самара билан фойдаланиш, коллекторларга, қудуқларга насосларни тизорқ ўрнатиш лозим. Бирор литр сувининг оқиб кетишига йўл қўйиб бўлмайд. Бригада ва хўжаликларга сув лимитини ажратишда сув алмасуви ҳисобга олиниди.

Ўтган йиллар тажрибаси асосида ҳар бир хўжалик, бригада ва зенонларда меҳнаткорлар ҳамда сувчиларга оғоҳлантириш талонлари тарқатиб, унда эгит олиш, сугориш ва қатор оралиғари ишлов бериш сифатсиз ўтказилганлигини қайд этиб бориш керак.

Сифат комиссияси ишларини активлаштириш, дала-олиш учун социалистик мусобақани кенг қўл оч ёйдириш лозим.

КЎЧАТНИНГ НОРМАЛ ҚАЛИНЛИКДА БЎЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ

Эртаки ва мўл ҳосил тадбири йилги-терим бошлангичи олдидан ҳар бир гектарда кўчат қалинлиги қандай эканлигига боғлиқдир. Вазифа шундан иборатки, йилги-терим бошлангичи олдидан област бўйича ҳар гектар майдонда камиди 130 минг туп кўчат бўлиши зарур. Илгор хўжаликларнинг тажрибаси кўчат қалинлигини эканлигидан нав чигит

нинг ҳамда тупроқ-иклим шароитининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир картага мослаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Кўп йиллик кузатишларга, шунингдек, илгор хўжалик ва бригадаларнинг тажрибасига қараганда бизнинг областимиз шароитида гектарларда кўчатнинг қуйидаги қалинлигида бўлиши ўзини оқлайди:

сизот сувлари юза бўлган, ўсимлик кучли ўсадиган тупроқли ерларда кўчат қалинлиги 110—120 минг бўлиб, қатор ораси 60 сантиметр бўлса 60 × 12—1 ва 60 × 25 — 2, 90 сантиметр бўлса 90 × 16 — 2 ва 90 × 8 — 1 схемасида жойлашад.

сизот сувлари чуқур жойлашган сарик тупроқли, шунингдек шўрхўк ерларда кўчат қалинлиги 120—130 минг бўлиб, қатор ораси 60 сантиметр бўлса 60 × 11 — 1 ва 60 × 22 — 2, 90 сантиметр бўлса 90 × 17 — 1 ва 90 × 14 — 2 схемасида жойлашад.

кам қувватли, гўза паст бўлиб ўсадиган майдонларда кўчат қалинлиги 140—150 минг бўлиб, қатор ораси 60 сантиметр бўлса 60 × 10—1 ва 60 × 20 — 2, 90 сантиметр бўлса 90 × 6 — 1 ва 90 × 12 — 2 схемасида жойлашад.

Кўчат қалинлиги нормал бўлиб, унинг ҳар тупи эгитларда бир текис жойлашган бўлса, барча агротехника тадбирлар комплекси ўз вақтида юксак сифатли ўтказилса эртаки ва мўл ҳосил еттиштириш мумкин бўлади. Шунинг учун барча пахта майдонларида чигит тўла ва кийфос ундириб олишга, кўчат қалинлиги нормал даражада бўлган майдонларда ҳам кўчат, сийрак жойлар бор бўлиши мумкин. Кўчатлар ҳар метр масофада текис бўлишини таъминлаш учун сийрак ерларда дориланган ва ивтилган чигит экиш керак. Шунингдек, қаторларнинг четлари ва бурчаклари, ўқариклар, кўп йиллик дахлатлар остлари ҳам бўш қолмаслиги керак.

Гўзани яна қилиш ўсимликнинг нормал ривожланиши, эртаки ҳамда мўл ҳосил етилишини муҳим шароитдир. Ниҳолларда бир-иккитадан чинбарг ҳосил бўлганда янганча кириштилади. Кун ичиди тугатилиди. Яна пайтида бегона ўтларни ҳам юлиб ташлаш керак.

Агар гўза кечикиб ўтказилса гўза эзилб қолади ва ҳосили камаяди. Янганда иштирок этаётган ҳар бир киши ўлчов-линейкаси билан таъминланиши керак. Бу гектарларда кўчатларнинг нормал қалинлигида бўлиши ва уларнинг қаторларда бир текис жойлашишини таъ

минлайди. Яна пайтида фақат бир хил катталикдаги кўчатлар қолдирилиб, бошқалари юлиб ташланади.

Яна тугатилган сўнг ҳар бир картадаги кўчат қалинлиги аниқланиб сифат комиссиясининг акти билан қабул қилинади, бригада бошлиқлари, меҳнаткорлар ва сувчилар жавобгарлигига ўтказилади.

ГЎЗА ҚАТОР ОРАЛИҒА БИРИНЧИ ИШЛОВ БЕРИШ

Гўзанинг, айниқса, илди қисмининг тез ўсиб ривожланиши учун ернинг доимо яхши юмшатиш ва бегона ўтлардан ҳоли бўлиши жуда муҳимдир. Шу муносабат билан гўзалар тўла ва кийфос унб чиққан сўнг кечиктирмай қатор оралиғари ишлов беришнинг бошлов жойлашад, бу ишга мажмуу барча култиваторларни сафарбар этиш керак. Ҳар бир култиваторга камиди 35—37 ишчи оғири оғири шҳамда РОР ва ККО мосламалари бўлиши зарур. Иш самараси ва сифатини ошириш мақсадида култивация пайтида ниҳолларнинг химоя зонаси 7—8 сантиметр кенгликда қолдирилади. Шунингдек, ишчи органларини сизот саёи кўчур ўрнатилиши ҳам қойда асосида бўлиши керак: эгит четларида 6—8 сантиметр, эгит ўртасида 12—15 сантиметр. Бунинг учун РОР мосламаларини эгитнинг четларига, ўртасига эса Ёйсмон панжа ва юмшатадиган органлар комплексини ўрнатиш керак бўлади. Гўзага биринчи ишлов беришда бир йўла гектар ҳисобига 100 килограмм аммофосга яхши қиритилиб майдондан ва эланган органик ўғитларни қўшиб бериш тавсия этилади. Култивация пайтида ниҳолларнинг илди зарарланлигига йўл қўймаслик муҳимдир.

Ҳамма хўжаликларда қатқоқни қўлда юмшатиш учун етарли миқдорда мосламалар ҳозирлаб қўйиш ва зарур бўлиб қолса меҳнатга яроқли кишиларнинг ҳаммасини ёппасига сафарбар этиш, шу йўл билан шу иш бир-икки кунда бажаришга улгуриш керак бўлади.

ГЎЗА ЗАРАРКУНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАТИШ ЧОРАЛАРИ

Бу йилги иқлим шароити қишлоқ хўжалик зараркундаларининг оммавий қўлашига қўлай келаятир. Гўзага ҳозир, айниқса, шира, трипс ва кузги туллар зараркундалари таҳдид солиши мумкин.

Зараркундада ҳашаротларнинг қўлайлиги ва пахта ҳам бошқа қишлоқ хўжалик экинзорларига кенг тарқа

либ кетиши олдини олиш мақсадида пахта майдонларининг четларидаги, тут дахлатларини остидаги, карта ларининг ёқлари, бурчакларидаги, телеграф устуларини остидаги, шунингдек ташландиқ ерлардаги ёввойи ўт-ўланларга заҳарли дорилар сепиш керак бўлади.

Зараркундада ҳашаротлар тарқала бошлаган экин майдонларини ўз вақтида аниқлаш учун ҳар бир бригада-ларга кузатувчилар бириктириб қўйилади ва улар зараркундада ҳамда фойдала ҳашаротларни бир-бирдан ажрата, олишга ўқитилади. Заҳарли дорилар сепиш фақат кузатувлар натижасига қараб амалга оширилиши керак. Тут бағриларнинг заҳарли дорилар билан зарарланмаслиги учун аввал бу дахлатлар бўлмаган ерларга ишлов берилиши керак. Биринчи галда зараркундада ҳашаротлар пайдо бўлган пахта майдонларининг атрофидида ва карта ўртасидаги тут дахлатларининг барги кесилиб ипак қуртларига эдиларилади. Шира, трипс пайдо бўлган майдонларга гектарига 1,5 килограммдан БИ—58 ёки 2 килограмм Анти заҳарли моддаси ОВХ—14, ОВХ—28 ёки ПГС—2,4 мосламаси ердамида сепилади. Бунда 1 гектар майдонга 400 литр заҳарли суяқли сафланари. ПГС— мосламасидан фойдаланилганда эса заҳарли дорилар ва ундан таёйирланган суяқли ярим баравар камайтирилади.

Кузги туллар ҳашароти тукум қўла бошлаган пайтда шу картадаги трихограмма фойдали қўшмалар тарқатилади. Ҳар беш кундан сўнг гектарига 200 минг трихограмма уч марта тарқатилиши керак. Кузги туллардан кўрти пайдо бўлган майдонлардаги гўзалар 0,3 процентли хлорофос эритмаси билан ишланади. Заҳарли дориларни кечкурун ва тунда кузги тулларга қарши сепиш, айниқса, яхши самара беради.

Област қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари пахта етиштиришнинг қўлайлиги юзасидан беш йилликнинг учинчи йили учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Бу шарафли ва масъулиятли вазифанинг муваффақиятли бажарилиши ҳар бир пахтакордан юксак ушшоқлик, бой таъриб ва билимларни оқилона қўлланиш, фидокорона меҳнат қилишни талаб этади.

Област пахтакорлар совети барча қишлоқ меҳнаткашларининг чигитни тез ва кийфос ундириб олиш, ҳар бир гектарда кўчатнинг нормал қалинлигида бўлишини таъминлаш, сўнгга навбатдаги парвариш билан боғлиқ бўлган барча агротехника тадбирлар комплексини ўз вақтида сифатли ўтказишга, ҳар бир бригада ва хўжаликда 1983 йил планларига ва социалистик мажбуриятларнинг сўзаси бажарилиши ва ортиги билан бажарилиши таъминлайдиган даражада эртаки ҳамда мўл ҳосил етиштиришга ҳақиқатда.

ТАВССИЯЛАР ОБЛАСТ ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИНИНГ 1983 ЙИЛ 12 АПРЕЛЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН КЕНГАШИДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ ВА МАЪҚУЛЛАНДИ.



КАТТА кўчанинг икки томониди қад ростлаган уйларнинг биридан эркин қад ташлаб ўрта бўйли киши чикиб келди. Автобус унинг олдида келиб тўхтади.

Абдураим ака автобустга чиқиб, бир оиладек аҳил бўлиб кетган насбдошлари билан бирма-бир кўришиб чиқди. Олдинги қаторда ўтирган ёшларнинг бири ёнидаги бўш ўринни кўрсатиб, «кейинг, устоз» дея уни таклиф қилди. Абдураим ака унинг ёнига келиб ўтирди. Кейин эса тун сукунатини бузиб кўча бўйлаб елаётган автобус тебранишига қарамай бутунги қилинадиган ишларини режалай бошлади...

Абдураим ака Мирзаев Пискент пахта тозалаш заводидаги меҳнат фаолиятини жуда эрта бошлади. У 14 ёшидаёқ «Пискент» совхозиди оддий колхозчи бўлиб ишлаш бошлади. Шу ердан 1941 йилда Ватан ҳимоясига отланди. Улуғ Ватан урушининг шиддатли жанглариди — Курск, Орёл шаҳарлари муҳофафасида қатнашди. Урушининг дахлатли қуларини бошдан кечириб, фашизм устидан тўла галаба қозонилгандан кейин Пискент пахта тозалаш заводида прессловчи бўлиб ишлаш бошлади. Ўша кезларда иш қуроллари жуда нотойиб, ҳар ҳолда топишларини вазифани ўталаш ердан беришдан кўра халафат бериш аниқроқ эди. Лекин, айни пайтнинг ўзиди планни бажариш жуда муҳим. Ахир вайрон бўлган

ОИЛАСИ БИЛАН ЗАВОДАДА

халқ хўжалиги эндигина оёққа турапти. Тўқимачилик саноати учун эса пахта жуда зарур.

Абдураим ака қийинчиликлар олдиди тиз чўкмади. Техниканинг қолоқлиги тўғрисида юзага келган қийинчиликларни билан кучи, ёшлик шикости билан енгиди. Меҳнатдан қўчмади. Ҳам касбларининг тажрибасини кўнб билан ўрганиш, иштилоқ, илганиш аста-секин иш унумини ҳам ошира бошлади. Кейин эса Мирзаев илгорлар қаторида тилга олинадиган бўлиб.

Шундан бери 30 йил вақт ўтди. Абдураим Мирзаев ҳозир коллективнинг энг хурматли кишиларидан. Унинг сурати завод Ҳурмат тахтасидан сира тўшмайди. Корхона коллективни ўтган йили ветеранлар иззат-иқром билан пенсияга кузатди.

ОБЛАСТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

«Яхшидан бог қолади» дейди халқимиз. Бу бежиз айтилмаган, албатта. Абдураим ака ҳам кўп йиллик меҳнати давомида муносиб шоғирлар ҳам етиштирди. Омонбой Асиров, Абдукалий Пўлдошев, Дадақон Мусаев, Абдуқудус Ахромовлар шулар жумласидандир. Улар ҳозирги пайтда заводнинг машаллари деб саналадилар. Абдураим ака эса ҳамон уларга устоз, ҳамон улар... ёнида.

«Ветеран прессловчи пенсияга кузатилаган, фарзандларим, неварларим билан бирга зерикмайман, деб ўйлардан эди. Лекин, уйда ўтирма олмади. Меҳнатда сўзига қотган прессловчи бир ой ҳам ўтмай йна корхона ма...

— Тақдирин қўла билан қўлатур одам... Дарҳақиқат, шоир айтганидек, Абдураим ака Мирзаев ҳам ўз тақдирини ўз қўли билан яратди. Ундаги ҳалол меҳнатга, ҳаётига, одамларга бўлган меҳр ва муҳаббат ҳазрати ишчи деган улуг номин шарафлашига ердан берди.

Ҳа, оддий совет ишчисининг оддий йўли, ниқоли ана шундай.

С. МАТЕҚУБОВ.

ЧОРВАМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

ЗАМИРАНИНГ МАРАСИСИ

ТУРСУНОЙ опа фермага бораётиб, сут соғувчиларнинг йил бошида ўтказилган йилгилини эслади. Ўшанда шоғирди Замира Бойбулова ҳам сўзга чиқиб, ҳар бир сизгидан 5200 килограммдан сут соғиб олишга ваъда берганди. Шогирдининг ютуғи унинг ҳам ютуғи, лекин мажбурият анча катта.

«Ўтган йил мен эгаллаган 5106 килограммлик марадан ҳам ўзмоқчи, чоғи...

Тиришқоқ, чаққон... Сўзининг улдасидан қиқилиши ишовчи кимли. Ҳозиргача эришган натижалари буни кўрсатиб турибди...»

Устоз ана шулар ҳақида ўйларкан, ўзи дастлаб иш бошлаган давларини ҳам кўз олдидан ўтказди: у тажрибакорлар маслаҳати асосида иш юритди. Кам бўлмади. Меҳнати қадрланди. III даражали Меҳнат шухрати ордени билан мукофот...

Г. ИСОҚОВА, Ўрта Чирчиқ районидаги Оқунбобоев номи колхоз.

ЎТГАН ЙИЛГИДАН КЎПАЯДИ

«КОММУНИЗМ» колхозининг аҳдида вафодор «кумш тола» икдорлари ҳар йили пилладан мўл ҳосил етиштириб келишмоқда. Чунки, бу хўжаликда ўз насби-нинг усталири меҳнат қилиши билан бирга, пилла қўртининг озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида

эътибор берилмоқда. Бу йил яна 33 минг туп тўт кўчатни ўтказилди. Хўжаликда ҳар йили эккангача кўчатларнинг тўлиқ қўнариб кетиши таъминланмоқда.

Бу йил 100 кўчи пилла қўрти олиб, давлатга 5000 килограмм ўрнига 8000 килограмм юқори сифатли «ку...



ҳаллий комитетига кириб келди. Иш сўради. Коллективдагилар эса уни қўчоқ очиб кутиб олишди. Бўлма-самчи, 30 йиллик иш таърибасига эга бўлган ветеранлардан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Қолаверса, завод ишини юритаётганлар асосан ёшлар. Абдураим аканинг шоғирлариди. Улар эса доимо маслаҳатга, амалий ёрдамга муҳтож. Мирзаев эса уларга жуда яқин. Ҳазро тез тил топишмади.

Абдураим Мирзаев ўзининг ҳалол меҳнати, ёшона терини эзганга Ҳурмат ва эътибор топиб келатганга мондошларинингдан бири. Унинг ибратли меҳнат фаолияти билан таъйиш эканлиги, беихтир отахон шоғиримиз Гафур Гуломнинг ушбу сатрларни ҳаёлимизга келди:

— Тақдирин қўла билан қўлатур одам...

Дарҳақиқат, шоир айтганидек, Абдураим ака Мирзаев ҳам ўз тақдирини ўз қўли билан яратди. Ундаги ҳалол меҳнатга, ҳаётига, одамларга бўлган меҳр ва муҳаббат ҳазрати ишчи деган улуг номин шарафлашига ердан берди.

Ҳа, оддий совет ишчисининг оддий йўли, ниқоли ана шундай.

С. МАТЕҚУБОВ.

ланди. Коммунистик меҳнат зарбодни бўлиб. Бу йил ҳар бир сизгидан 5200 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилган...

Соғувчи фермага етиб келганда Замира моллари атрофида парвона эди: сизгиларни синаб-синайлаб елишини ийдирмоқда. Унинг ишини бир дам кузатиб турган Турсунбой Ҳолиқовнинг қабдида ифтихор туйғуларини жўш урди.

— Баракалла, Замира, — деди у, — гайрат қилвер, албатта, мурадига етасан. Устозининг самийи сўзлари Замирага куч-гайрат бағишлагандек бўлди.

Г. ИСОҚОВА, Ўрта Чирчиқ районидаги Оқунбобоев номи колхоз.

муш тола» етказиб берамиз. — дейди пиллачиллик бригадаси бошлиғи Турсунбой Эргашов.

Хўжалигининг Хабира Тўрақўзаева, Тоғогул Бобобекова ва Муҳаббат Сулронова на «кумш тола» икдорлари ҳар ҳам бу йил тўрт беш кўчидан пилла қўрти уруғини олиб, давлатга 450—500 килограммдан пилла етказиб беришга сўз беришган.

П. ЭРГАШЕВ, Оққўрғон райони.

ЖАХОН АНТИЛУКЛАРИ

ИТАЛИЯ МЕХНАТКАШЛАРИ В. И. ЛЕНИНИ ХЎРМАТ БИЛАН ХОТИРЛАМОҚДАЛАР

КАПРИ. (ТАСС мухбири). Бу ерда В. И. Ленин ҳайкали поинга гулчамбарлар қўйиш таъиниш маросими бўлди. Тантанали маросим пролетариатнинг буюк йўлбошчиси туғилган куннинг 113 йиллигига бағишланди.

Италия меҳнаткашлари В. И. Ленин хотирасини хўрмат билан эсга олмақдалар. Лениннинг оролга А. М. Горькийнинг олдида келиши, оддий меҳнаткашлар билан уршувлари ва сўхбалари тўғрисидаги кинолар Капри деҳқонлари, балкичилари ва хунармандлари орасида аялодан-аялода ғўтиб келимоқда. 1970 йилда В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини нишонлаш юзасидан Каприда жаҳонда биринчи

чи социалистик давлат асосчиси ҳайкал ўрнатилди. Ҳайкал мулликлиги бутун дунёга машҳур ҳайкалтарош, «Хайкал ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун халқро Ленин мукофотининг лауреати Ж. Манчудир.

Ҳар йили мана шу апрель кунларида Каприга Италия кенг демократик жамоатчилиги ҳар вакилларини келиши яхши аниёнага айланди. Улар даврийнинг буюк мутафаккирга нисбатан хўрмат-эҳтиром изор этиш учун бу ерга келадилар.

В. И. Ленин ҳайкали поинга гулчамбарлар қўйиш маросими — ҳозирги вақтда ҳокий туғилган куннинг 113 йиллиги муносабати билан Италиянинг

турли районларида ўтаётган қўдан-қўл тадбирларнинг биридир.

Бизлар улуг Ленин хизматларини эътифдор этиш белгиси сифатида унинг Капри деириде бўлганлигини абадийлаштириш учун ҳайкал ўрнатди, деди Капри ахлиси Соверно Валенте. Орол ахлиси В. И. Ленинни гойат хўрмат қилди, СССРга ва совет халқига нисбатан самийи туйғуларини маҳор қилди.

Маросимда Италия кенг жамоатчилигининг, Капри маҳаллий маъмуриятининг вакиллари, Италиядаги совет муассасалари қодимлари делегацияси иштирок этидилар.

БМТ ЭКСПЕРТАРИ ГРУППАСИНИНГ МАЖЛИСИ

ВЕНА. (ТАСС). Бугун бу ерда халқро ташиқлотларнинг Венадаги марказида БМТнинг 1981 йил июнида Исроилнинг Ироқдаги тинч ядро установкаларига қуролли ҳужуми оқибатларини ўрганишчи экспертлари группасининг мажлиси бўлиб ўтди. БМТ Бош Ассамблеяси XXXVII сессиясининг қарорига мувофиқ ташиқлот этилган группа Совет Иттифоқи, АКШ, Югославия, Ҳиндистон, Швеция ва Нигерия вакилларидан иборат.

Исроил авиациясининг Ироқ

